

Майманок нафақат Касби туманида, балки, вилоятимизда ҳам аҳоли сони ва нуфузи жиҳатидан энг катта қишлоқ ҳисобланади. Майманок бой тарихга эга. Қишлоқда мактаб тарихи ҳам бир неча асрларга бориб тақалади. Қишлоқ зиёлиларидан Саъдулло Рахимов, Мирзо Жўраев, Тилохат Қобилова, Жўра Шодиев, Туроб Жўраев, Севин Муродов, Ўғилой Ҳакимова, Рўзимурод Отамуродов, Шомурод Қулмуродов, Ҳомид Жалолиддинов, Жўракул Ҳапизов, Шавкат Муродов каби утоз-муаллимлар вилоятимиз илму фани тараққиётига катта ҳисса қўшганлар. Ана шундай зиёлилардан бири - Зокир Отаниёзовдир. Зокир Отаниёзов 1963 - йил 12 - январ куни Отакул Отаниёзов ва Ором Қодиркуловалар оиласида учинчи фарзанд бўлиб динёга келди. Зокир Отаниёзов Майманокдаги 14 - мактабга 1970 - йилда 1 - синфга ўқишга борган Зокир Отаниёзов ўқувчилик даврида математика, она тили ва адабиёт, жисмоний тарбия, тавирий санъат, биология, физика каби фанларни кучли қизиқиш билан ўқиган, синфдан ва мактабдан ташқари ўтказилган тадбирларнинг ташкилотчиси, фаол иштирокчиси бўлган. Зокир Отаниёзов мактабда ўқиган даврида устозлари Севин Муродов, Рашид Набиев, Саъдулло Рахимов, Мастон Латипова, Баҳодир Мўминовлардан олган сабоқлари кейинги ҳаёти ва фаолиятида муҳим роль ўйнади. Зокир ака синфдошларини ғоят ҳурмат қилади, бунга бир неча бор гувоҳ бўлганман. Айниқса, Комил Эргашев, Зокир Ҳасанов, Муяссар Холмуродова, Қаҳрамон Ҳайдаров, Давр Тўрақуловлар билан ҳозир ҳам борди - келди қилиб турадилар. Зокир аканинг бу синфдошлари нафақат Майманок қишлоғи, балки, Касби тумани ривожига ҳам муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Илмга бўлган интилиш, ўқитувчиликка бўлган ҳавас Зокир акани Қарши Давлат педагогика институтининг бошланғич таълим педагогикаси ва методикаси йўналишига хужжат топширишга етаклади. У имтиҳонларни аъло ва яхши баҳоларда топшириши натижасида 1980 - йил институт талабаси деган бахтга сазовор бўлди. У талабалик даврида ўқиш жараёнида, тарбиявий тадбирларда ҳамда жамоат ишларида фаол иштирок қилди. Профессор М. Очилов, доцентлар Т. Ғаффорова, Қ. Хуррамов, Н. Ҳамраев, Қ. Сулаймонов, Ҳ. Ҳамроев каби устозлардан олган билимлари педагогик фаолиятида муҳим ўрин тутди. Талабалик йилларида курсдошлари - дўстлари Абдуҳомид Раҳмонов, Мажид Бердиев, Рашид Худойбердиев, Гулнора Ғайбуллаева, Муяссар Дўстова, Дилором Бердимуродовалар билан оилавий борди - келди қилиб турадилар. Ҳозир ҳам курсдошларини бир даврага йиғиб турли тадбирлар ташкил қилиб туради. Курсдоши бир неча йиллардан буён вилоят Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтида ўқитувчилик қилиб келаётган А. Раҳмонов у ҳақида шундай дейди: талабалик йилларида ҳам ундаги билим, тасвирий санъат соҳасидаги алоҳида истедоди, тадбирларда алоҳида янгиликлар билан иштироки, ҳазил мутоибага бойлиги билан алоҳида ажралиб турар эди. У институтни 1984 - йилда мувоффақиятли

тугатиб, она қишлоғи Майманоққа қайтиб ўзи ўқиган Каби туманидаги 14 - умумий ўрта таълим мактабида педагогик фаолиятини бошлади. Бошланғич синфларда ўқитувчилик қилди. Кўп йиллик фидойи меҳнати, таълимни ривожлантиришдаги фаол иштироки инobatга олиниб 1994 - йилда уни ўқув - тарбия ишлари бўйича директор ўринбосари қилиб тайинланди. Педагогик фаолияти даврида Рисолат Маматова, Саиднаби Саидов, Абдунаим Зиёдуллаев, Абдувоҳид Шоймардоновлардан кўп нарсa ўрганди.

Касби тумани 14 - умумий ўрта таълим мактабида 2001 - 2006 - йилларда директорлик қилди. Мактабда таълим мазмунини, сифатини оширишга, ҳар томонлама тараққий қилишга муносиб ҳисса қўшди. Мактабнинг рейтинг даражаси туманда кучли учликка кирган. Зокир ака 2006 - йилдан буён Касби туманидаги 14 - умумий ўрта таълим мактабида маънавий - маърифий ишлари бўйича директор ўринбосари, бошланғич синф ўқитувчиси лавозимларида фаолият олиб бормoқда. У 35 йиллик педагогик фаолияти даврида мингга яқин майманоқлик ўқувчиларга ҳад - савод ўргатиб, ҳаётда ўз йўллариини топишларига кўмаклашмоқда. Унинг ўқувчилари қишлоқ, туман, ҳаттоки вилоят ривожига муносиб ҳисса қўшиб келмоқдалар. Зокир аканинг турмуш ўртоғи Нодира Жомартова, фарзандлари Ноила, Сурайё ва Орасталар ҳам бошланғич синф ўқитувчиси эканлиги диққатга сазовор.

Зокир Отаниёзов нафақат Касби туманида, балки, вилоятимизда ҳам моҳир ва тажрибали ўқитувчи сифатида таниқли. Ундаги изланувчанлик, салоҳиятни инobatга олиб 2011 - йилда Қашқадарё ВХТХҚТМОИда ўриндошлик асосида ишга таклиф қилинди. Тингловчиларга дарс ўтиб келмоқда. Унинг бошланғич таълим курси тингловчиларига “ Бошланғич таълим фанлари йўналишида яратилган электрон қўлланмалар, электрон таълим воситалари ва уларни дарс жараёнида қўллаш”, “ Бошланғич синф дарсларида виртуал кутубхона материалларидан фойдаланиш” мавзуларида ўтган машғулотлари ўзининг ижобий натижаларини бермоқда. Ўзининг илғор иш тажрибаларини ўргатмоқда.

Зокир Отаниёзов кўп йиллик фаолияти давомида ўнлаб бошланғич синф ўқитувчиларига устозлик қилмоқда. Айниқса, Мусаллам Холмуродова, Тўркул Шоймардонов, Тўлқин Орзиқулов, Шавкат Жўраев, Шухрат Тошмуродов, Ўткир Эшонқулов, Азим Шоймардонов, Собир Эминов, Нурали Отамуродов каби шогирдларини фахр билан тилга олади.

Биз Зокир Отаниёзовнинг ҳаёти ва педагогик фаолиятида улкан зафарлар тилаб қоламиз.

Шухрат Ҳамроев – педагогика фанлари номзоди.